

Date: 15<sup>th</sup> May-2025

**ПОСТХОЛЕСИСТЕКТОМИК СИНДРОМ РИВОЖЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ПСИХОЭМОЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШДА  
ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ**

**Ибадуллаев Б.Б., Курбонбоев С.К., Сетиризаев И.Б.**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Асаб касалликлари , тиббиёт психологияси ва психотерапия кафедраси

**Аннотация:** Мазкур тезисда постхолесистектомик синдром ривожланган bemorlarда психоэмоционал бузилишлар даражалари ўрганилган ва коррекция қилиш тиббий-психологик ёндашув қилинган.

**Калит сўзлар:** хавотир, депрессия, психотерапия.

Бугунги кунга келиб ЖССТ маълумотларига асосан касалликлар статистикасига назар ташласак, гипатобилиар тизим касалликлари ва уларнинг асоратлари ривожланиб бориши йилдан-йилга ошиб бормоқда. ЖССТ маълумотлари бўйича холесистектомия ўтказган bemorlarning 30% и постхолесистектомик синдром ривожланишидан азият чекади<sup>3</sup>. Бу синдром bemorlarда психоэмоционал бузилишларнинг ривожланиб бориши ва bemorlar ruhiyatida жиддий ўзгаришларни келтириб чикаради<sup>4</sup>. Шу сабабдан bemorlar ruhiyatida бўладиган бузилишларни ўз вақтида аниқлаб, тиббий-психологик ёндашуни олиб бориш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири хисобланади.

**Мақсад:** Постхолесистектомик синдром ривожланган bemorlarда ҳавотирли-депрессив бузилишлар даражасини аниқлаш ва уларни коррекция қилишда рационал психотерапиянинг ахамиятини ўрганиш

**Материал ва методлар:** ТТА Урганч филиали терапия бўлимида постхолесистектомик синдром ривожланган 30 нафар bemor асосий гурухга киритилган ҳолда кузатувга олинди. Bemorlarning ўртача ёши  $45.1 \pm 4.5$  ни ташкил қилди, шундан эркаклар - 46%, аёллар - 54% ни ташкил қилди. Таққослаш гурухига эса ПХС билан касалланган 24 bemor киритилди, Бу гурухдаги bemorlarning 45% - эркаклар, 55% ини аёллар ташкил қилди. Bemorlarimizda психоэмоционал бузилишлар, яъни, ҳавотир ва депрессия даражасига баҳо беришда HADS шкаласидан фойдаланилди. Bemorlarда аниқланган психоэмоционал бузилишлар даражасини психокоррекция қилишда 1-гурухда базис давога қўшимча рационал психотерапия, 2-гурухда bemorlarда фақат стандарт терапиядан ўтказилди. Олинган кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинган ҳолда, қуйидаги натижалар олинди.

<sup>3</sup> World Health Organization (WHO) — Gastrointestinal Disorders Statistics, 2023.

<sup>4</sup> Khurana R., Kochhar R. – “Postcholecystectomy Syndrome: Diagnostic and Management Approaches”, Journal of Clinical Gastroenterology, 2021.

Date: 15<sup>th</sup>May-2025

**Натижалар:** Унга кўра асосий гуруҳдаги 30 нафар bemorimizning 40% ида клиник ҳавотир, 47% ида субклиник ҳавотир ва 13% ида ҳавотир йўқлиги, назорат гуруҳда эса ҳавотир даражаси 33% ида клиник ҳавотир, 50% ида субклиник ҳавотир ва 17% ида ҳавотир йўқлиги аниқланди. Bemorlarimizda аниқланган депрессия даражаси асосий гуруҳда 37% клиник депрессия, 50% субклиник депрессия ва 13% ида депрессия йўқлиги, назорат гуруҳда эса бу кўрсаткич 37,5% клиник депрессия, 37,5% субклиник депрессия ва 25% депрессий йўқлиги қайд қилинди. Даводан кейин, асосий гуруҳда ўтказилган рационал психотерапиядан кейин терапия натижалари, bemorlarimizda ривожланган клиник ҳавотир даражаси 40% дан 13% гача, субклиник ҳавотир даражасини 47% дан 30% гача пасайишига, ҳавотир аниқланмаган bemorimizning 13% дан 57% гача ўсишини таъминлади ( $p<0,001$ ), асосий гуруҳдаги bemorlarimizda депрессия даражаси, клиник депрессия 37% дан 13% гача, субклиник депрессия 50% дан 33 % гача, депрессия аниқланмаган bemorlarimizda эса бу кўрсаткич 13% дан 54% гача ўсиши кузатилди( $p<0,01$ ). Таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткичлар фақат базис даво ҳисобига ҳавотир ва депрессия даражаларида деярли кам ўзгаришлар қайд қилинди

**Хулоса:** Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, постхолесистектомик синдром ривожланган bemorlarimizda психоэмоционал бузилишлар юқори эканлиги, ўтказилган рационал терапиядан кейинги муолажаларидан сўнг асосий гуруҳдаги bemorlarimizda ҳавотир, депрессия даражаларининг, 2 чи гуруҳдаги bemorlarimizga нисбатан юқори даражада пасайганли, бу эса ўз навбатида бу bemorlararda рационал психотерапияни тўғри йўлга қўйиш ва терапевтик жараёнларга мукаммал йўналтириш лозимлигини исботлаб берди.